Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 6 МАРТ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 56 (12.869)

Баҳоси эркин нархда

МИЛЛАТЛАР ҲАМЖАМИЯТИ ЎЗБЕКИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

Женевадаги БМТ Миллатлар саройида (Швейцария) шу йил 29 март куни мамлакатимизда ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотлар, Швейцариянинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбир иштирокчилари сайловга пухта ҳозирлик кўрилиши ва ўтказилишининг ташкилий-амалий жиҳатлари, номзодларга ўзларининг Сайловолди дастурларини жамоатчиликка етказишлари учун бир хил имконият яратилганлиги, мазкур тадбир Ўзбекистоннинг бундан кейин ҳам изчил тараққий топишида, шунингдек, нафақат республикада, балки бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликнинг янада мустаҳкамланишида алоҳида аҳамиятга эгалиги билан боғлиқ маълумотлар билан яқиндан танишдилар.

Қайд этилганидек, ушбу сайлов кампанияси сиёсий партиялар фаоллиги ҳамда партияларо ўзаро рақобат кучайган шароитда ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш учун барча, яъни тўрт сиёсий партиядан номзодлар кўрсатилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Шу билан бирга, брифинг иштирокчилари сайлов жараёнида шаффофлик, очиқлик ва ошкораликнинг таъминланиши, хусусан, хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлардан кузатувчиларнинг таклиф этилиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар билан ҳам таништирилди.

Бундан ташқари, республикамизнинг мустақиллик йилларида қўлга киритган кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий муваффақиятлари, «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилинган жорий йилдаги иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари хусусидаги ахборотлар ҳам тадбир қатнашчилари эътиборига ҳавола қилинди.

Брифинг якунида «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири айрим иштирокчилар билан суҳбатлашди.

Жумладан, **Женева Дипломати клуби президенти Роберт Блум** мамлакатимизда парламент ва сиёсий партияларнинг ўрнини мустаҳкамлаш ҳамда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан кўрилган чора-тадбирларни юқори баҳолар экан, «Улар Ўзбекистоннинг демократик ривожланиш йўлига содиқ эканлигини намойиш этди», дея таъкидлади. У яқинда Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайловлари юксак даражада ташкил қилинганини ва бу Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси маърузасида ҳам ўз тасдиғини топганини айтиб ўтди.

Бўлажак Президент сайлови ҳақида тўхталар экан, Р.Блум юртимизда фаолият юритаётган барча — тўрт партиядан номзодлар кўрсатилгани сиёсий фикрлар хилма хиллигига асосланган демократияни қуриш йўлидаги муҳим қадам эканини таъкидлади.

У, шунингдек, сайлов кампанияси оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши ва халқаро кузатувчиларнинг таклиф этилиши асносида Президент сайловига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ҳамда овоз бериш якунларини чиқариш бўйича Марказий сайлов комиссияси томонидан қаратилаётган эътиборни ҳам ижобий баҳолади.

2014 йил декабрида мамлакатимиз бўйлаб амалга оширган сафари якунлари ҳамда Ўзбекистон ҳақидаги ўз таассуротларини ўртоқлашар экан, **Женева шаҳри фахрий мэри П. Мюллер** икки палатали парламент ваколатларини кенгайтириш ва сиёсий партиялар ролини кучайтириш йўли билан республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда давлат бошқаруви тизимини демократлаштириш жараёнига ҳам эътибор қаратди. У Ўзбекистонда бўлгани чоғида ўзбек халқининг ноёб тарихий-маданий мероси билан яқиндан танишганини қайд этар экан, юртдошларимиз меҳмондўстлигини тўла ҳис қилиш билан бирга, кўп миллатли республикамиздаги миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликнинг ҳамда улкан иқтисодий ва сайёҳлик салоҳиятининг шоҳиди бўлганини билдирди. П. Мюллер «Халқаро яшил хоч» экологик ташкилотининг вице-президенти сифатида Ўзбекистон экологик ҳаракатининг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокини рағбатлантириш асносида республикамизда атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни ҳам ижобий баҳолади.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни



Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, жисмоний, маънавий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, бандлигини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

ЗАМОНАВИЙ АЁЛ – ҲАР СОҲАДА ФАОЛ

– Яқинда кредитга кир ювиш машинаси харид қилдик, – дейди Миробод тумани Бирлик маҳалласида яшовчи Райҳона Алиева. – Ўтган йили духовкали электр печни, сал олдинроқ телевизоримизни янгилагандик. Эътиборлиси, энди уй юмушларидан ортиб, маҳалламиз аёлларига ҳунар ўргатмоқдаман. Ҳозир ўнга яқин шогирдим бор. Биз тиккан зардўз либослар харидоргир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлиқ намоён этиши учун яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланаётган опа-сингилларимиз барча соҳада фаол меҳнат қилиб, истеъдод, билим ва тажрибасини намоён қилмоқда. Билимли, изланувчан қизлар турли кўрик-танловлар, спорт мусобақаларида совринли ўринларни қўлга киритмоқда.

Хотин-қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасида тадбиркор аёлларимиз сафи ҳам тобора кенгайиб бормоқда. 2014 йилда мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун қарийб 1 триллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида сарфланган ушбу маблағлар бизнес лойиҳаларини амалга ошириш ва 250 мингдан зиёд янги иш ўрни яратишга хизмат қилди. «2014 йилнинг энг яхши тадбиркор аёли» танловида энг яхши лойиҳа эгаларига 3,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Юнусобод туманидаги «Jasmin Fito Pharma» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Райҳона Нормatова хотин-қизлар учун яратилган кенг имкониятлардан руҳланиб, янги иш ўринларини очиш, уйда ўтирган аёлларни иш билан таъминлаш борасида изланмоқда.

Ушбу корхонада юртимизда ўсадиган доривор гиёҳлар, табиий маҳсулотлардан шифобахш мойлар, туз ва турли косметика воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимида жорий қилинган уч босқичли узлуксиз спорт тизими – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари барча ўқувчи-талабаларни ўзлари қизиққан спорт турлари билан мунтазам шуғулланиши, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши учун хизмат қилмоқда.

Ана шу уч босқичли спорт тизимида камол топган ёшлардан бири Нафиса Мўминовадир. У ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлди.

Нафиса 2008 йили 18 ёшгача қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритди. 2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган ёзги Осиё ўйинларининг жамоавий баҳсларида терма жамоамиз сафида кумуш медаль соҳиби бўлди. Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрда қабул қилинган фармонига биноан мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган салмоқли ҳиссаси, профессионал маҳорати ва ёрқин истеъдоди билан спорт соҳасида юқори натижаларга эришгани учун «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирланди.

– Эришган ютуқларим мамлакатимизда ёшлар учун яратилган кенг имкониятлар самараси, – дейди Нафиса. – Ўз салоҳиятимизни намойиш этишимиз учун қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик бизга янада куч-ғайрат бағишлайди. Айни пайтда ўз орзу-мақсадларимизни тўла рўёбга чиқариш, юртимизда барча жабҳаларда бўлаётган улкан ўзгаришларда фаол иштирок этишда зиммамизга алоҳида масъулият юклайди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАРНИНГ ОИЛА ВА ЖАМИЯТДАГИ МАВҚЕИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОРГА ҲАВАСИМ КЕЛДИ

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ЎзА мухбири мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор, аёлларнинг жамиятимизда тутган ўрни ҳақида чет эллик мутахассислар, экспертлар ва сайёҳлар билан суҳбатлашди.

Прем АҲЛУВАЛИА, Тинч океани минтақаси ёзувчилари саёҳати уюшмаси вакили, Жанубий Осиё мамлакатлари хотин-қизлари институти директори (Ҳиндистон):

– Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрнини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аёлларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган ислоҳотлар хотин-қизларга ўз бизнесини очиб, оиласи, эл-юрти учун фойда келтириш, ҳаётда ўз ўрнини топиш имконини бераётир.

Мамлакатингизга саёҳатим жуда мазмунли ўтмоқда. Ўзбекистон ва унинг улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақида кўп эшитганман ва ўқиганман. Юртингизга келиб, бу ердаги очиққўнгил ва меҳмондўст одамлар билан суҳбатлашиб, қалбим қувончга тўлди. Ўзбекистонда сайёҳларнинг мароқли дам олиши учун барча қулайликлар мавжуд.

Сайёҳликнинг тарихий ва маданий йўналишларини хуш кўраман. Шу боис дунёга машҳур Самарқанд ва Бухорони, у ердаги бебаҳо меъморий обидаларни кўриш, урф-одат ва анъаналарингиз билан танишиш имконига эга бўлганимдан қувончим чексиз.

Сэфра ХАЛЛИБЭРТОН, тренер (АҚШ):

– Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни мустаҳкамланиб, нуфузи тобора ошиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мамлакатингиз улкан сайёҳлик салоҳиятига эга. Шу боис дунёнинг кўплаб одамлари бу ерга саёҳат қилишга интилмоқда. Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, санъати, маънавий мероси билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим. Ўзбек заминида етишиб чиққан олиму фузалоларнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини дунё аҳли эътироф этади. Юртингиздаги маҳобатли иншоотлар халқингиз ақл-заковатининг маҳсули сифатида дунёни ҳайратга солиб келмоқда. Ана шундай буюк мерос ворисларининг ўз аждодларига кўрсатаётган эҳтироми ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Ўзбекистонда хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳавасим келди. Юртингизда бадиий гимнастика жадал ривожланмоқда. Бу хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтиришга бўлган эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

(Давоми 3-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг демократик тамойиллар асосида юқори савияда ўтишини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий тайёргарлик тадбирлари қизғин давом этмоқда. Жумладан, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида ўтказилган навбатдаги семинар-тренинг участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини янада юксалтириш, участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этиш масаласига бағишланди.

● Бухоро ва Когон шаҳарларида участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини янада юксалтириш ва улар ишини самарали ташкил этиш масаласига бағишланган семинар ўтказилди.

● Ўзбек Миллий академик драма театрида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ташкил этилган маданий-маърифий тадбир «Аёли қадрланган юрт» деб номланди. Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбирда фан, таълим, маданият ва тиббиёт соҳаларида самарали фаолият юритаётган пойтахт вилоятилик фаол хотин-қизлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Жалақудуқ туманида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида 27 корхона, ташкилот ва муассаса ўзининг мавжуд 230 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада қатнашган фуқароларнинг 98 нафарига ишга кириш учун йўлланма берилди.

● Андижонда фаол истеъдодли қизларнинг вилоят ҳокими билан учрашуви бўлиб ўтди. Тадбир давомида бир гуруҳ иқтидорли қизларга эсдалик совғалари топширилди.

ЖАҲОНДА

● Италиянинг тоғ қутқарув хизмати томонидан мамлакат шимолида жойлашган Доломит Альпларидаги Валь Гардена курортида бузилиб қолган фуникулер кабиналарида қолиб кетган 200 нафар сайёҳни қутқариш ишлари муваффақиятли амалга оширилди. Ушбу тадбир соатига 130 километр тезликда эсаётган шамол чоғида бажарилганлиги боис қутқарувчиларни кабиналарга вертолётларда туширдилар.

● Аргентинада рўй берган кучли сув тошқинлари туфайли 6 минг киши хавфсиз жойларга кўчирилди. Табиий офат оқибатида Кордоба, Санта-Фе, Сан-Луис ва Сантьяго-дель-Естеро музофотларига кўпроқ зарар етди.

● «Боко Харам» ҳаракати жангариларининг Нигериянинг шимолишарқидаги Нджаба қишлоғига қуролли ҳужум уюштириши натижасида камида 45 киши ҳалок бўлди. Маълумотларга қараганда, қурбонлар орасида болалар кўпчиликни ташкил этади.

29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни давом этмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори асосида жойларда учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

«ЎЗБЕК МОДЕЛИ» — ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИМИЗ АСОСИ



Мирзо Улуғбек туманидаги Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмасининг ўқув маркази, Миробод туманидаги Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳар филиали, Бектемир туманидаги республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежида ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ишончли вакили Зайниддин Низомходжаевнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзолари, тадбиркорлар, талабалар, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси, туманлар фаоллари, жамоат ташкилотлари, маҳалла фуқаролари йиғинлари, ОАВ вакиллари ва бошқалар иштирок этишди.

Йиғилишда сайловчиларга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва дастури ўқиб эшиттирилди.

Йиғилишларда сайловчилар ўз фикрларини билдириб ўтишди. Хусусан,

— бугунги кунда дунёда тараққиётнинг «ўзбек модели» деб тан олинган, демократик давлат, эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, халқимизнинг ҳаёт даражасини муносиб босқичга кўтариш бўйича чуқур ўйланган ривожланиш йўлимизни қатъий белгилаб олганимиз, ҳеч шубҳасиз, том маънода тарихий ютуғимиз эканлиги тўғрисида;

— Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда бир вақтлар иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, асосан пахта хомашёси етказиб беришга мослашган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган, собиқ иттифоқ таркибида аҳолининг ҳаёт даражасини ифодалайдиган кўрсаткичлар бўйича энг орқа ўринда, жар ёқасида турган қашшоқ ўлкадан бугунги кунда тез ва барқарор суръатлар билан, аввало, замонавий тармоқлар ҳисобидан ривож топаётган, халқаро майдонда ўзига муносиб ўрин эгаллаётган мамлакатга айланиб бораётгани;

— биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, деган саволни ўзимизга бериб, кечаги ҳаётимизни бугунги ҳаётимиз билан қиёслаганда, амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг асл маъно-мазмуни;

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида заҳматкаш, мард ва матонатли халқимизнинг фидокорона меҳнати билан амалга оширилаётган олам-шумул ишлар, мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгаргани, ҳаётимизнинг тобора фаровон бўлиб бораётганлиги ҳақида;

— энг муҳими, эски, ўзини оқламаган тизимнинг қолип ва ақидаларидан холи бўлган, мустақил фикрлайдиган, чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган куч-ғайратли ёшларимиз майдонга чиқаётганлиги хусусида;

— жаҳон миқёсидаги глобал иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, дунёнинг саноқли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келаётганлиги;

— мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистонимизнинг иқтисодиёти 5 каррадан кўпроқ, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсганини, мамлакатимиз аҳолиси шу даврда 1,5 марта кўпайиб, 2015 йилнинг бошида 31 миллион 500 минг кишини ташкил этганлиги тўғрисида;

— кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳалари бўлмиш хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг тез суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги;

— тадбиркорлик ва фермерликнинг ривожланиши учун давлат томонидан кенг имкониятлар берилаётганлиги ҳақида;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида» қабул қилинган Қарори моҳияти эътибори билан болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга қаратилганлиги;

— бугунги кунда юртимиздаги етакчи клиника ва тиббиёт марказларида энг илғор технологиялар ёрдамида ноёб операциялар амалга оширилаётганлиги ҳамда энг замонавий асбоб-ускуналар ва технологиялар, даволаш усулларини юртимизга олиб келиш, бу борадаги чет давлатлар билан самарали ҳамкорликни янада кучайиб бораётганлиги;

— замонавий ахборот-коммуникация тизимидан кенг фойдаланиш орқали таълим-тарбия самарасини кучайтириш, болалар, айниқса, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш бўйича кенг кўламдаги қилинган ишлар тўғрисида ва аҳоли даромадлари ва халқ фаровонлигини узлуксиз ошириб бориш, кенг миқёсдаги ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалга оширишга катта эътибор қаратилаётгани ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этдилар.

Учрашувлар фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди, сайловчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоблар берилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

МАҚСАД — ЖАМИЯТДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА ЭРИШИШ



Бектемир туманидаги қуюв-механика заводи, Учтепа туманидаги Абдулла Қодирий номли маҳалла фуқаролар йиғини ва Яккасарой туманидаги «Туркистон» меҳмонхонасида ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД НАРИМОН УМАРОВНИНГ ишончли вакили Парида Парманованинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Бўлиб ўтган тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари ва электорати вакиллари, Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзолари, туманлар фаоллари, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Қайд этилганидек, амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан жорий йилнинг 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловида иштирок этиш ҳар бир сиёсий партия учун ўз сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни бажаришга тайёр эканлигини ифодаловчи омил саналади.

«Адолат» социал-демократик партияси ҳам республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимизга янада тўкис, фаровон турмуш шароитларини яратиш, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий соҳалардаги ислоҳотларда фаол иштирок этишни мақсад қилган сиёсий куч сифатида ушбу сайловда муносиб иштирок этишга бел боғлаган.

Шу муносабат билан партиянинг 10 февраль куни бўлиб ўтган VII Қурултойида Ўзбекистон «Адолат» СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида партия Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Наримон Умаровнинг номзоди делегатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Эндиликда номзод ўзининг сайловолди ташвиқотини олиб бормоқда.

Учрашувда Парида Парманова иштирокчиларга номзод тўғрисидаги маълумотларни ҳавола қилди. Қайд этилганидек, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Н.Умаров кўп йиллар мобайнида давлат бошқаруви органларида ҳамда давлат ва жамият бошқарувининг турли соҳаларида фаолият юритиб келмоқда.

Учрашувларда таъкидланганидек, номзоднинг тақдим этилган дастурининг мазмун-моҳияти, тузилиши, устувор йўналишлари ҳамда унда илгари сурилган ғоя ва вазифалар Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг дастурий устувор вазифаларидан келиб чиққан.

Дастурда жамиятда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат тамойилларини таъминлаш, иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилишини кучайтириш, соҳага инновацияларни жорий қилиш, кадрларни мақсадли тайёрлаш, илм-фанни ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш ҳамда ташқи сиёсатда миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш каби устувор вазифалар илгари сурилган.

Айниқса, дастурда дунё сиёсий амалиётида кенг қўлланиладиган ва тан олинган социал-демократик ғояларнинг ўзбекона қадриятларимиз, миллий ўзига хослигимиз, халқимизнинг менталитетига уйғунлашган ҳолда ифода этилгани учрашув иштирокчиларида қизиқиш уйғотди.

Учрашувларда номзоднинг дастурига оид фикр-мулоҳазалар баён этилди ва саволларга жавоб қайтарилди.

Жумладан, саволларга жавобан шуларни айтиш лозимки, ер юзидаги барча ривожланган мамлакатларнинг тараққиёти тарихига назар соладиган бўлсак, уларнинг барчасида иқтисодиётни ривожлантириш орқали жаҳонда ўз нуфузига эга бўлганлигини кўришимиз мумкин. Халқимизда: «Аввал иқтисод, кейин сиёсат» деган, ажойиб бир нақл бор. Биз ҳам мамлакатимизнинг яқин келажакдаги истиқболини, албатта, иқтисодий соҳани ривожлантиришда кўрамиз. Бу борада биз иқтисодиётда инновацион технологияларни жорий қилиш орқали мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини янада ошириш ниятидамиз. Иқтисодиётнинг янада ривожланиши эса жамият ҳаётидаги барча соҳаларни ҳам тараққий эттиришга асос бўлади. Шу мақсадда биз ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган умумдавлат иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, яъни ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳа ва дастурларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши тарафдоримиз, дея таъкидлаб ўтилди.

Биз учун бизнес – жамият учун зарур бўлган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалиётга жорий қилишнинг энг муҳим шаклидир. Шу сабабли биз давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини кучайтириш, уй-жой-коммунал комплекси ишини янада яхшилаш бўйича таклифлар билан чиқамиз.

Бу ўринда биз бир қатор долзарб вазифаларни ўз олдимизга қўйганмиз:

аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати ва самарадорлигини янада ошириш. Шунингдек, мамлакатимизда соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустаҳкамлаш билан бирга хусусий ва аралаш секторларга ҳам тенг шароитлар яратиш ҳамда соғлиқни сақлашда соғлом рақобат муҳитини яратиш;

бирламчи бўғин – қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини тубдан яхшилаш. Оилага кўрсатилаётган тиббий хизматлар кўламини янада кенгайтириш, уларни оила тиббий маданиятини юксалтиришга йўналтириш;

жаҳон тараққиётида илгарилаб бораётган жараёнларни назарда тутиб, халқимиз генофондини сақлаш, ривожлантириш ва ташқи таъсирлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган махсус давлат дастури қабул қилиш.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

МИЛЛАТЛАР ҲАМЖАМИЯТИ ЎЗБЕКИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Унинг фикрича, Ўзбекистон Президенти сайловининг халқаро меъёрларга мувофиқ равишда ўтказилиши мамлакатда демократия жараёнининг янада илгари сурилиши ва барқарор ривожланиш борасида улкан аҳамият касб этади. Шу боис европалик кузатувчилар мазкур сайлов кампаниясига, хусусан, Президент лавозимига кўрсатилган номзодлар учун тенг шароитларнинг яратилиши масаласига жиддий қарамоқда.

Женеванинг фахрий мэри, шунингдек, Швейцария — Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда маданий-гуманитар алоқалар кўлами кенгайишини қўллаб-қувватлашга доимо тайёр эканини таъкидлади.

Швейцариянинг хориж матбуоти уюшмаси вице-президенти К. Фианкан-Боконга изчил ривожланиши, маданий ранг-баранглиги ва иқтисодий ҳамда сиёсий модернизациялашув жараёнидаги фаоллиги билан Ўзбекистон ўзини ҳайратга солганини қайд этди. У 2014 йилнинг декабридан буён демократик институтларнинг янгиланиши юзасидан бўлиб ўтаётган сайлов тадбирлари мамлакатнинг янада барқарор тараққиётида долзарб ўрин тутишини таъкидлади. К. Фианкан-Боконга сайлов қонунчилиги ва тажрибасини такомиллаштириш, фуқароларнинг, шу жумладан, аёлларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда сиёсий фаоллигини юксалтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга, шу билан бирга, сайлов кампаниясининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаётганига ижобий баҳо берди. Унинг айтишича, бўлажак Президент сайловини кузатишда сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг экспертлари қатнашиши мазкур сиёсий тадбирнинг шаффофлик, очиқлик ва халқаро меъёрларга мос келадиган демократия асосида ўтишини таъминлашга кўмаклашади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг бугунги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир маълумотлар тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Мамлакатимизни модернизациялаш, инфратузилмаларни янгилаш ҳамда Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар улар томонидан ижобий баҳоланди.

«Жаҳон» АА.
Женева

ТУМАНЛАРДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГЛАР ЎТКАЗИЛДИ

Кеча Бектемир, Миробод ва Олмазор туманларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада ошириш ва участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этиш масалаларига оид ҳудудий семинар-тренинглар ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида участка сайлов комиссияларининг фаолияти, уларнинг асосий вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, маърузачилар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов комиссиялари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, участка сайлов комиссиялари иш фаолиятини ташкил этиш масалалари ҳамда сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти, сайлов жараёнида халқаро кузатувчиларнинг ўрни, муддатидан олдин овоз бериш жараёнини қандай ташкил этиш ва ўтказиш мавзуларида семинар иштирокчиларига батафсил маълумотлар беришди.

Маълумки, амалдаги қонунчиликка кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва уни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилади. Бунда айниқса, участка сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юкланади. Чунки, сайловчиларнинг рўйхатини тузиш ва овоз беришни ташкил этишни айнан мазкур комиссия бажаради. Участка сайлов комиссияларининг фаолияти қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик ва адолатлик принципларига асосланади. Сайловга тайёргарлик босқичларида ҳам сайловчилар ўзларига зарур маълумотларни кўпроқ участка сайлов комиссияларидан оладилар. Бу эса комиссия аъзоларидан ҳар бир тадбирни қонун талаблари асосида белгиланган муддатларда, тегишли тартибда олиб боришни тақозо этади.

— Туманимизда ўтказилган семинар-тренингда участка сайлов комиссияларининг фаолияти қонунийлик, ошкоралик ва адолатлик принципларига асосланиши чуқур тушунтириб берилди, — дейди Олмазор туманидаги 278-участка сайлов комиссияси раиси Ж.Мирзамуҳамедов. — Савол-жавоблар асосида қизғин ўтган семинарда участка сайлов комиссияси аъзоларининг сайловга оид қонунчилик ва уни амалда қўллаш борасидаги билим ва кўникмалари янада такомиллашди.

Семинар-тренингларда Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси Ж.Инагамов, шаҳар комиссияси аъзолари М.Аригджанов, Т.Некрасова, М.Расулова, Тошкент давлат юридик университетининг профессор-ўқитувчилари Х.Муҳамедов, Ш.Зулфиқоров, О.Турғунов, Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Ф.Маҳмудхўжаев ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Семинарлар якунига кўра, сайловни юқори савияда ўтказиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Тадбир иштирокчиларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоблар берилди.

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАРНИНГ ОИЛА ВА ЖАМИЯТДАГИ МАВҚЕИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОРГА ҲАВАСИМ КЕЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Радха КРИШНАН, Ганди мемориал жамғармаси раиси (Малайзия):

– Ўзбекистон хотин-қизларининг билим ва салоҳияти жуда юқори. Мамлакатингизда уларнинг ҳар соҳадаги фаолиятини ривожлантириш, илғор ғояларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик. Давлатингиз томонидан аёлларни эъзозлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, салоҳиятини юзага чиқаришга қаратилаётган эътиборга ҳавасим келди.

Мамлакатингизга ҳар гал келганимда барча соҳаларда, хусусан, таълимда эришилаётган муваффақиятлардан ҳайратланаман ва қувонаман. Айниқса, юртингизда чет тилларини ўрганишга қаратилаётган эътибор туфайли мамлакатингиз ёшлари кўплаб хорижий тилларда, хусусан, инглиз тилида эркин сўзлаётгани эътиборга сазовор. Ўзбекистонда инглиз тилини биринчи синфдан бошлаб ўқитиш йўлга қўйилгани мамлакат эртасини ўйлаб, ёш авлод камолотини таъминлаш йўлида амалга оширилган жуда катта ишлардан ҳисобланади.

Мария Людовика ЛЕАЛИ, «Европа хотин-қизлари лоббиси» ташкилотининг Италиядаги бўлими бош котиби:

– Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан бирга, уларнинг жамиятдаги ўрнини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ.

Давлат ва жамиятни бошқаришда хотин-қизларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, сиёсий партиялар томонидан ҳокимият вакиллик органларига сайловларда депутатликка номзодларни кўрсатишда хотин-қизлар учун камида 30 фоизлик квота белгиланган, мамлакатингизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар аъзолари сафида хотин-қизлар кўпайиб бораётгани эътиборга молик.

Начо ПЕРЕЗ, тадбиркор (Испания):

– Тошкентга хизмат сафари билан келдим. Ўзбекистонда Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланишидан хабарим бор. Байрам яқинлашиб келаётгани ҳар қадамда сезилиб турибди. Шаҳрингиз дўконлари аёллар учун махсус безатилган, турли хил совғалар, гулларга тўла. Эркакларнинг ҳозирданоқ оналари, опа-сингиллари, турмуш ўртоғи ва қизлари учун совға харид қилаётганини кўриб, қувонасан киши. Буларнинг барчаси мамлакатингизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибордан, ҳурмат ва эъзоздан далолатдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон хотин-қизларини яқинлашиб келаётган айём билан муборакбод этаман. Уларга оилавий бахт ва улкан муваффақиятлар тилайман.

Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.



Кеча Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимликлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси ва шаҳар ҳокимлиги томонидан Тошкент шаҳри ва туман ҳокимликлари тизимида Ватан равнақи ва юрт фаровонлиги йўлида кўп йиллардан бери меҳнат қилаётган хотин-қизларни табриклашга бағишланган тадбир ўтказилди.

АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР

Тадбирни шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б. Раҳмонов кириш сўзи билан очар экан, барча йиғилганларни баҳорнинг илк кунларида нишонланадиган гўзаллик ва яшариш байрами билан муборакбод этиб, ҳаётнинг бардавомлигини таъминлаб, пойтахтни ҳар томонлама ривожлантиришда фаол иштирок этаётган хотин-қизларнинг ўзига хос ўрни, ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлади.

— Анъанага кўра жорий йилда ҳам Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан шаҳар ва туман ҳокимликлари тизимида фаолият юритаётган опа-сингилларимизнинг кўнглини хушнуд қилиш мақсадида байрам тадбири ташкил қилдик, – дейди Тошкент шаҳар ҳокимликлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси в.в.б. Хуршида Файзиева. – Тадбирда Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликларининг 200 нафардан зиёд фаол хотин-қизларига эсдалик совғалари топширилди.

Азалдан муҳтарама аёлларимизга хос бўлган меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, орасталик, рўзғорни, умуман оила ҳаётини оқилона бошқариш фазилатлари таҳсинга сазовордир. Хотин-қизларимиз оилада жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънавий бой фарзандларни вояга етказиш, ишлаётган ташкилотларида ижтимоий фаол бўлиб, бор кучлари, салоҳиятлари, истеъдодларини ишга солиб, беминнат хизмат қилиш орқали жамият ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқдалар.

— Мустақил Ўзбекистонимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, инсоний туйғуларни янада юксалтириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлида аёлларимизнинг эзгу интилишлари ва беқиёс хизматларини мамнуният билан эътироф этиш жоиз, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлигида фаолият юритаётган Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотининг ишчи гуруҳи котиби Дилором Дўстмуҳамедова. – Бугунги байрам тадбирида ҳокимлик раҳбарияти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан кўрсатилган эътибор хотин-қизларимизга яхши кайфият бағишлаб, уларни янада ғайрат ва шижоат билан сидқидилдан меҳнат қилишга, улкан ютуқларга эришишга чорлайди.

Шаҳнозахон
ҚУДРАТХЎЖАЕВА

Тадбирлар

ДОИМО ЭЪЗОЗДАСИЗ

Мирзо Улуғбек туманидаги «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғинида Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган «Кексаларнинг дуоси мустажоб» мавзуида маънавий-маданий тадбир бўлиб ўтди.

Маҳалладаги ёши улуғ отахон-онахонларнинг кўнглини хушнуд қилиш мақсадида ўтказилган тадбирда Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги вакиллари, 7-оилавий поликлиника шифокорлари, туман «Баркамол авлод» болалар маркази ходимлари, 49-умумтаълим мактабининг ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўз ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашиб, Президентимиз раҳнамолигида юртимизда кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, аҳолининг, айниқса ёшларимизнинг тиббий саводхонлигини ошириш, йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашга, маънавий камол топишига катта эътибор қаратиб келинаётгани таъкидлаб ўтилди.

— Муҳтарам Президентимиз томонидан жорий йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб номланишида ҳам катта маъно мужассам, — дейди «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Муяссар Раҳимжонова. — Азалдан халқимизда кексаларни эъзозлаш, ғамхўрлик кўрсатишга катта эътибор қаратиб келинган. Ҳар куни эрта тонгда турган кекса ва нуроний қарияларимиз юртга тинчлик-хотиржамлик, қут-барака, ёшларга баркамоллик сўраб қўлларини дуога очадилар. Маҳалламизнинг умумий аҳолиси сони 6470 нафарни ташкил этади. 1052 нафар кекса ва нуроний қариялар маҳалламиз фахри, бой ҳаётий тажрибаларини ўртоқлашиб, ёшларга тўғри йўл кўрсатиб келишмоқда. Шу сабабли «Маҳалла-оила-мактаб» концепцияси бўйича кўплаб тадбирлар ўтказиб келинади. Маҳалла аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларнинг келажагини порлоқ қилиш, ёши улуғ инсонларнинг бой ҳаётий тажрибаларини келажак авлодга ўрнак қилиш мақсадида ҳамкорликда ташкил этилаётган учрашув, давра суҳбатлари ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан «Кексалар ҳаёти ёшларга ўрнак», «Пиру бадавлатлар ўгити» ва бошқа бир қанча мавзуларда учрашувлар ўтказиш режалаштирилган. Бу каби тадбирлар ёшлар ўртасида кексаларга бўлган ҳурмат-эътиборнинг ошишига ёрдам беради.

